

Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимларининг этика ва эстетика маданияти қоидалари

Умумий қоидалар

1. Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимларининг этика ва эстетика маданияти қоидалари (кейинги ўринларда - Қоида деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида” 466-І-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2015 йил 18 майдаги “Коррупцияга қарши тажриба амалиётини амалга ошириш 2015 йил учун чоратадбири” Комплекс режаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги 87-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ишлаб чиқилган ва Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона маркази (кейинги ўринларда - Марказ деб юритилади) ходимларини касб одобномаси асосларини белгилайди.

2. Мазкур Қоидада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади.

Марказ ходимларининг касбий бурчи – ходимларнинг жамият, давлат томонидан белгиланган вазифаларини, хизмат вазифаларини мажбурий равишда бажариш;

нутқ маданияти – ўз фикрларини бир-бирларига, фуқароларга тил воситалари орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб етказа олиш;

кийиниш ва сўзлашиш маданияти – классик услубдаги кийиниш қоидаларини оғишмай амалга ошириш асосида ўз кадр-қимматини сақлашга ва бутун Марказ хизматининг обрў-эътиборини ҳимоя қилишга қаратилган ахлоқий-эстетик хатти-ҳаракатлар тизими;

хулқ-атвор – кишининг муомаласи ва руҳиятидаги, феъли ва хатти-ҳаракатларидаги, одатлари ва қилиқларидаги хусусиятлари мажмуаси;

ички маданият – ходимнинг маънавий оламининг бойлиги, дунёқарашининг кенг ва соғломлиги, мустақил ва ижодий фикрлай олиш лаёқати, ахлоқий поклиги, ҳис-туйғуларининг бой ва фаоллиги, дидининг юксаклиги;

ташқи маданият – ходимнинг хатти-ҳаракати ва юриш-туриши, гапириш ва кийиниш маданияти;

хушмуомалалик – кўнгилдаги ардоқли фикрларни, энг ноёб ҳис-туйғуларни, энг эзгу ниятларни одамлар билан баҳам кўриш, осойишталик, вазминлик, хотиржамлик билан иш тутиш;

одоблилик – яхши тарбия кўрганликнинг намоён бўлиши, хатти-ҳаракатларида, сўзлашувида меъёрни, чегарани, мувофиқлик ва номувофиқликни билиш;

хаёлилик – бу уялиш, хижолат тортиш, ўзини ҳар хил ножўя хатти-ҳаракатлардан тия олиш;

ростгўйлик – ҳалолликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳақиқатни гапириш, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам кадр-қимматини тўғри баҳолаш, яхшини яхши, ёмонни ёмон деб очиқчасига айтиш;

камтарлик – кишининг ўзи табиий ҳолда, қандай бўлса шундайлигича, ҳамма билан тенг, баб-баробар тутиш;

ғазаб – инсоннинг ақл қувватидан ҳиссиёт қуввати устун келиб, ўзини боса олмаслик, ўзгаларга шиддат билан муомала қилиш;

ғийбат – бировларнинг орқасидан ёмонлаб гапириш, фисқи-фасод тарқатиш;

эстетика - гўзаллик олами, санъат ва бадиий ижод қонуниятларини ўрганувчи ва ўргатувчи фан.

Касб ахлоқининг хусусиятлари.

3. Этика категорияларига қуйидагилар киради:

яхшилик-ёмонлик;
адолат ва адолатсизлик;
бахт ва бахтсизлик;
виждон ва виждонсизлик;
бурч, ор-номус ва кадр-қиммат;
хаётнинг маъноси.

Бу категориялар, гарчанд умумий категориялар бўлса-да, Марказ ходимларининг амалий фаолиятида қўлланишида аниқлик, яъни ўзига хослик касб этади.

Бу ўзига хослик ходимларнинг бажарадиган вазифаларида яққол кўринади.

4. Марказ ходимларининг касбий бурчининг асосий мазмунини ташкил этувчи вазифа ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Қонунларига қатъий риоя қилиш, буйруқ, кўрсатма ва ички меъёрий ҳужжатларнинг талабларини бажариш;

лавозим мажбуриятини бажаришда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалол ва тўғри, итоаткор, меҳнатсевар, интизомли бўлиб барчага намуна бўлиш;

касбга оид билимларни мунтазам эгаллаш, ўз уқуви ва маҳоратини такомиллаштириш;

ҳалол, интизомли, ўз бурчини ижро этиш чоғида оқилона ташаббус кўрсатиш;

“Марказ ходими” деган номни шараф билан оқлаш, ор-номусини эъзозлаш;

раҳбариятга сўзсиз бўйсунуш (уларнинг буйруқлари қонунга зид бўлмаган тақдирда);

ўзаро биродарликни эъзозлаш, ўз ҳаётини аямасдан касбдошларини хавф-хатардан қутқариш, уларга сўз ва иш билан ёрдам бериш, ҳар бирининг ор-номусини ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзини ва меҳнат жамоасининг таҳқирлашларига йўл қўймаслик, уларни нолойиқ қилмишларидан тийиб қолиш;

доимо озода ва ораста кийиниш.

Марказ ходимларининг жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш ва улар билан муомала маданияти.

5. Марказ ходимларининг жисмоний ва юридик шахслар билан бўладиган муомала маданиятининг қуйидаги учта шакли мавжуд:

хулқ-атвор маданияти;
ташқи кўриниш маданияти;
нутқ маданияти.

6. Марказ ходимларининг хулқ-атвор маданияти хушмуомалалик, маданиятлилик, одоб ва шубҳасиз, фуқаролар билан бўладиган муносабатларида фақат яхши хулқларини намоён қилишлари, ёмон хулқларини бартараф қилиш учун курашишларини тақозо этади.

7. Марказ ходимининг жисмоний ва юридик шахслар билан муомала қилиш чоғида:

димоғдорлик, манманлик, кўполлик қилиши;

кинояли, дағал тарзда танбех бериши;

гапирганда инсон кадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва қочирик сўзларни ишлатиши;

тахдид солувчи ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг кадр-қимматини ва шахсини таҳқирловчи бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши қатъиян тақиқланади.

8. Жисмоний ва юридик шахсларни мурожаат этилган масалалар бўйича зарур қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган Марказ ходимлари қабул қилишлари лозим.

9. Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш учун махсус хона ёки алоҳида жиҳозланган бурчак ажратилиши лозим. Ажратилган хона тоза, озода, ёруғ, тинч ва қулай бўлиши ҳамда юксак эстетик дид билан жиҳозланган бўлиши зарур. Бу ўз йўлида Марказ ходимларининг маданиятлилик даражасини кўрсатувчи белгилардан бири эканлигини унутмаслик керак.

10. Марказ ходимлари ўз қабулига келган жисмоний ва юридик шахсларни, у ким бўлишидан қатъи назар, ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқиб кутиб олиши, саломлашиши, ўтириш учун таклиф қилиши ва ҳол-аҳвол сўраши лозим. Сухбат чоғида жисмоний ва юридик шахсларнинг барча гапларини диққат билан эшитиш керак. У гапини тугатгандан сўнг, унга ноаниқ ёки тушунилмай қолган нарсалар тўғрисида савол бериши керак. Сухбат самимий, эркин тарзда олиб борилиши лозим. Сухбат тугагандан сўнг жисмоний ва юридик шахсларга сиҳат-саломатлик тилаб, хайрлашиш ва албатта кузатиб қўйиш лозим.

11. Жисмоний ва юридик шахслар билан сухбат чоғида уларга берилаётган жавоб аниқ ва ишонарли бўлиши учун жавобни тегишли қонунлардан ва бошқа норматив ҳужжатлардан парчалар ўқиб бериш орқали асослаш мақсадга мувофиқдир.

12. Қабулга келган жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумоти ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлса, унга албатта ташаккур айтиш керак.

13. Қабул вақтида тушган таклифлар, аризалар шикоятлар билан боғлиқ масалаларни тезликда ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, уларни умумий тартибда ҳал қилиб, жисмоний ва юридик шахсларга унинг бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълумот бериш керак.

Марказ ходимларининг ташқи кўриниш маданияти.

14. Марказ ходимларининг кундалик иш кийимининг стандарт жамланмаси классик услубдаги костюмдан:

эркаклар кийими – пиджак, пиджак рангига мос келувчи тўқ рангдаги шим, кўйлак, кўйлак ва пиджак ранги ҳамда чизиқларига мос келувчи галстук, бир хил рангдаги классик услубдаги пайпоқ ва туфли;

аёллар кийими – англи ёки энги калта блузка, тиззадан калта бўлмаган юбка, кўйлак (тиззадан калта бўлмаган, англи ёки энги калта), классик бичимдаги пиджак ва шим ҳамда туфли, басаножкадан ташкил топади.

15. Марказ ходимларининг эғнидаги кийими қуйидаги талабларга жавоб бериши мақсадга мувофиқ:

ходимнинг бўйи-бастига мос келиши;

ниҳоятда тоза ва дазмолланган, ҳар қандай ортиқча ип ва матолардан холи бўлиши;

оёқ кийими ниҳоятда тоза бўлиши, ялтиллаб туриши;

куз-қиш фаслларида пиджак ва шим, узун англи кўйлак ва галстук;

баҳор-ёз фаслларида шим, калта англи кўйлак ва галстук.

16. Ташқи қиёфа учта муҳим унсурдан ташкил топади:

жисмоний соғломлик ва инсон танасининг бекаму-кўстлигини ўзида мужассамлаштирган жисмоний тарбия;

кийим кийиш;

шахсий гигиена.

17. Шахсий озодалик, яъни бадан, юз-кўл, сочларини тоза тутиши (узун сочли аёллар сочларини классик услубда турмаклаши), соқолни олиш, мўйлабни тартибга келтириш, қўллар яхши парвариш қилиниши, тирноқлар ўз вақтида олиб турилиши, пешонани, бурунни тириштириб юрмаслик чораларини кўриш лозим.

18. Марказ ходимлари қўлларига ва бўйинларига кўзга ташланадиган турлитуман тақинчоқлар (никоҳ узуги тақинчоқ ҳисобланмайди) тақмаслиги, ялтир-юлтур кийимлар кийиб, уларни ҳар хил безаклар билан безаб ташламасликлари керак, спорт услубидаги кийим формаси ва оёқ кийими кийиш, юз ва қўлга ҳар хил татуировкалар чиздириш қатъиян ман этилади.

Марказ ходими фаолиятининг ахлоқий ва эстетик асослари

19. Марказ ходими фаолиятининг ахлоқий асосларини ҳалоллик, холислик, принципиаллик каби ахлоқий хислатлар ташкил этади.

20. Марказ ходими учун зарур бўлган ахлоқий сифатлардан энг биринчиси ҳалоллик бўлиб, у виждонан инсоф билан иш тутишни, тўғрилик ва одилликни билдиради.

21. Ҳалолликни таъминловчи омиллардан бири қонунларга оғишмай риоя этишдир.

22. Марказ ходими таъмагирлик мақсадида сансалорликка йўл қўйиши, хизмат вазифаларини суистеъмол қилиши тақиқланади.

23. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ ишларни олиб бораётганда ходимнинг ёлғон гапириши, адолат билан иш тутмаслиги соҳа фаолиятида ходимга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради.

Марказ ходимининг телефон орқали сўзлашув одоби

24. Хизмат телефонларидан фойдаланганда, сўзлашув одобининг қуйидаги қоидаларига риоя қилмоқ керак:

қўнғироқ эшитилиши билан гўшагини кўтариб, ишлаётган жойингизни номланиши, лавозимингиз ва фамилиянгиз (исм, отангизнинг исми)ни айтишингиз керак.

Агар ўзингиз телефон қилган бўлсангиз, аввал салом беришингиз, сўнгра ўзингизни таништиришингиз керак.

Ҳар икки ҳолда ҳам шошмасдан дона-дона қилиб гапириш, суҳбатни қисқа, аниқ ва тушунарли тарзда олиб бориш лозим.

25. Ўзингиз телефон қилганингизда ҳар доим фуқародан “бемаврид(бевақт) қўнғироқ қилмадимми” деб сўранг, агар шундай бўлса у ҳолда қачон қайта қўнғироқ қилишингиз мумкинлигини сўранг.

26. Телефонда суҳбатдошнинг сўзларини диққат билан эшитиш, керакли маълумотларни ёзиб олиш керак. Бунда суҳбатдошнинг гапини асло бўлмаслик керак.

27. Телефонда соҳа фаолияти билан боғлиқ бўлган махфий ахборотлар сирасига киритилган маълумотлар тўғрисида гапирмаслик керак.

28. Телефонда узоқ вақт гаплашмаслик, уни банд қилиб турмаслик, айниқса хизмат телефонидан шахсий мақсадларда кўп фойдаланмаслик, телефонлардан фойдаланиш ҳуқуқини суистеъмол қилмаслик зарур.

29. Телефонда қариялар (кекса ёшдаги), болалар, аёллар билан суҳбатлашганда ниҳоятда эҳтиёткорлик ва камтарлик билан мулоқотда бўлмоқ керак. Телефонда бақариб гаплашиш умуман тақиқланади.

Марказ ходимларининг меҳнат жамоаларидаги ахлоқий-эстетик маданияти.

30. Марказ ходимларининг меҳнат жамоаларидаги ахлоқий-эстетик ва руҳий муҳитни яхшилашга хизмат қилувчи бир қатор одоб-ахлоқ қоидалари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

ҳар бир ходим ишга ўз вақтида, кечикмасдан келиши ва иш жойидагилар билан очиқ чехра билан саломлашиши зарур. Ҳатто кайфияти бузилган бўлса ҳам буни меҳнат жамоасига сездирмаслиги, жиғибийрон бўлиб ўзгаларни ҳам безовта қилмаслиги керак;

ишхонада меҳнат жамоаси билан овозни пасайтириб, хушмуомалалик билан мулойим сўзлашиш, дағалликка йўл қўймаслик, ўзгаларнинг суҳбатига аралашмаслик, сўзларини хуфиёна тингламаслик, тасодифан эшитиб қолган сўзларни ўзгаларга етказмаслик, қолаверса, сабабсиз ўзгаларнинг бажараётган ишларига аралашмаслик лозим;

меҳнат жамоасининг нарсаларидан – қалам, ручка, қоғоз, елим, ип-игна, ишлаш учун зарур бўлган техника воситаларидан уларнинг рухсатисиз фойдаланиш одобдан эмас, фақат сўраб фойдаланиш керак;

маслаҳат сўраган меҳнат жамоасига иложи борича тўғри маслаҳат бериш, билганини сидкидилдан ўргатиш, тушунмаган жойларини тушунтириб бериш керак. Меҳнат жамоасининг ишдаги ёки феъл-атвордаги камчилиги учун унинг устидан асло кулмаслик, масхараламаслик лозим;

ҳар бир ходим ҳар хил бекорчи ишлар билан ўзининг ҳам, қолаверса, бошқаларнинг ҳам вақтини зое кетказмаслиги керак;

бетоб бўлиб қолган меҳнат жамоасининг ҳол-аҳволидан хабар олиш, улардан кўнгил сўраш, керак бўлса ёрдам бериш керак;

ҳамкасбларининг ютуқларидан қувониш, бахиллик, чақимчилик, хасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшаш керак.

Марказ ходимлари Марказ раҳбари, марказ раҳбари ўринбосари, бўлим мудирлари ва сектор мудирлари хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилмайди, уларнинг ва ўзининг обрў-иззатини сақлайди. Улар билан суҳбат чоғида фақатгина ишга тааллуқли масалалар хусусида сўз юритади. Бошқа ишлар ёки гапларга чалғитмайди. Ўзидан ёши, лавозими катталарнинг танқид ва танбеҳларини тўғри қабул қилиб, хато-камчиликларини йўқотиш чораларини кўради. Бу талабларни бажариш ҳар бир меҳнат жамоаси аъзоларининг бурчидир.

Марказнинг катта ва кичик ходимлари ўртасидаги муносабат қоидалари

31. Марказнинг катта ва кичик ходимлари ўзаро муносабатда қуйидаги қоидаларга риоя этишлари керак:

ўзаро мулоқотда камтар, мулойим, босиқ, самимий бўлиш ҳамда ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик асосида ташкил этиш;

ўз иш жойларида тинч ва ишчанлик муҳитини яратиш, телефонда аниқ, равшан ва қисқа сўзлашиш, давлат ва хизмат сирини ошкор қилмаслик;

ўзаро “сиз”лаб мурожаат қилиш;

ходим исмини бузиб айтмаслик (исмга бўлган ҳуқуқини бузмаслик), уятли ва ҳақоратли (куракда туриб бўлмайдиган) сўзларни, лақаб ва номларни ишлатмаслик, қўполлик ва беодоблик қилмаслик;

қонун ҳужжатларининг талаблари доирасида берилган топшириқларни “хўп бўлади” деб, уни бажаришга киришиш;

Марказ раҳбари, марказ раҳбари ўринбосари, бўлим мудирлари ва сектор мудирлари хонасига кирганда руҳсат сўраш ва саломлашиш, ташриф сабабини тушунтириш, ўтиришга ижозат беришни сўраш;

қўлни кийим-кечак чўнтақларига тиқиб юрмаслик, махсус ажратилган жойлардан бошқа жойларда чекмаслик.

32. Марказ раҳбари, марказ раҳбари ўринбосари билан суҳбатлашиш чоғида қуйидаги қоидаларга риоя этиш:

руҳсатсиз суҳбатга аралашмаслик;

ялпайиб, ёнбошлаб олмаслик, стулнинг суянчиғига осилиб, оёқларни чалкаштириб ўтирмаслик;

қўлдаги буюмларни ўйнаб, қўлларни бошга тираб ёки тирсакни раҳбариятнинг столига қўйиб ўтирмаслик;

гапга аралашиб, латифалар айтиб, ҳазиллар, киноялар, қочириқлар қилиб, айниқса бақириб гапирмаслик.